

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 100-ҳадис

100/119 – وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنِّي أَسْمَعُ مِنْكَ حَدِيثًا كَثِيرًا أَنْسَاهُ.
قَالَ: «ابْسُطْ رِدَائَكَ» فَبَسَطْتُهُ، قَالَ: فَعَرَفَ بِيَدَيْهِ ثُمَّ قَالَ: «ضُمَّهُ». فَضَمَمْتُهُ، فَمَا نَسِيتُ شَيْئًا
بَعْدَهُ.

100.119 Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули, албатта, мен сиздан кўп ҳадис эшитаман-у, унутиб қўяман», дедим. У зот: «**Ридоингни ёз!**» дедилар. Уни ёздим. У зот икки қўллари билан ҳовучлаб солдилар, сўнг: «**Буни бағрингга бос!**» дедилар, мен уни бағримга босдим. Шундан кейин ҳеч нарсани унутмайдиган бўлдим».

Ибн Фудайк ҳам шуни айтиб бериб, «ёки «қўллари билан унга ҳовучлаб солдилар» деган.

Манба: hadis.islom.uz

